

Инновациялар — кимё саноатининг келажagini белгилайди!

// 11.06.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/innovaciyalar-kimyo-sanoatining-kelazhagini-belgilaydi>

“Кимё саноати ёш мутахассислари” форуми доирасида “Энг яхши инновацион ғоя” стартап лойиҳалар танловининг тақдимот босқичи бўлиб ўтди.

Унда 15 та жамоа ўзларининг илғор ва истиқболли лойиҳалари билан иштирок этиб, кимё саноатини янада ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини намоён этдилар.

Тақдим этилган лойиҳалар энергия тежамкорлиги, ресурслардан самарали фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Ёш мутахассисларнинг инновацион ёндашувлари ва амалий ечимлари тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда янги технологик имкониятларни яратишга хизмат қилади.